

Ўзбекистон сертификатланган
молия мутахассислари уюшмаси
(ACFP)



cfs

Certified
Finance
Specialist

АССА ва АСФР қўшма малакаси бўйича қўлланма



acfp
Uzbekistan

Association of
Certified Finance
Professionals
of Uzbekistan

МУНДАРИЖА

АССА ва АСФР қўшма малакаси	2
Ўрта бизнес учун универсал малака.....	3
Касб маҳоратининг юқори даражасига қадам.....	4
Диплом ва СФР кимга ва нима учун керак.....	5
Диплом ва СФР билан тасдиқланадиган билим ва кўникмалар.....	9
ЈЕС имтиҳонлари	11
ЈЕС имтиҳонларига кириш шартлари	12
ЈЕС имтиҳонлари қандай ва қаерда ўтказилади	13
Имтиҳонларга қандай тайёрланиш керак.....	16
Академик жиҳатдан ҳалоллик	18
СФР малака белгисидан фойдаланиш	19
Кейин нима бўлади	20



ACCA ва ACFP қўшма малакаси

Молия соҳасидаги профессионал мутахассисларсиз бизнесда муваффақиятга эришиб бўлмайди. Association of Chartered Certified Accountants (ACCA) ва Ўзбекистон сертификатланган молия мутахассислари уюшмаси (ACFP) билан шундай профессионалга айланинг.

2024 йил март ойида ACCA ва ACFP «Молия ва бизнесни бошқариш» рус тилидаги халқаро дипломини олиш учун қўшма имтиҳон схемаси (JES) тўғрисидаги битимни имзоладилар. JES талабаларга молиявий ва бошқарув ҳисоби, молиявий менежмент ва аудит бўйича халқаро имтиҳонларни рус тилида, солиқлар ва ҳуқуқ бўйича имтиҳонларни рус ва ўзбек тилларида топшириш имконини беради.

JES – бу:

Мақбуллик. Европа университетларининг бакалавр дипломига эквивалент бўлган халқаро малака Ўзбекистон бухгалтерлари учун мақбулроқ бўлмоқда.

Мослашувчанлик. Номзодлар қачон ва қандай ўқиш ва имтиҳон топширишни танлашлари мумкин, бу уларга ўқишни иш ва шахсий ҳаёт билан яхшироқ уйғунлаштириш имконини беради.

Қўллаб-қувватлаш. ACCA ва ACFP имтиҳонларга тайёргарлик учун қўшимча ресурслар ва кўмак беради.

Эътироф этиш. JES натижаларига кўра сиз қуйидагиларга эга бўласиз:

- ✓ Дунёнинг 176 мамлакатада эътироф этиладиган ҳамда молия ва бизнес соҳасида халқаро мартаба ўсиши учун эшикларни очадиган диплом;
- ✓ CFP – Профессионал даражада сертификатланган молия мутахассиси малакаси, у сизни Ўзбекистондаги юз минглаб бухгалтерлар орасида ажратиб туради;
- ✓ ариза беришда – аудитор сертификати (қўшимча имтиҳонларсиз).



Ўрта бизнес учун универсал малака

JES натижалари бўйича сиз оладиган – “Молия ва бизнесни бошқариш” дипломи ва CFP малакаси – Ўзбекистон ўрта бизнесининг эҳтиёжларига жавоб беради. У:

- ташкилот ёки ташкилотлар гуруҳининг молиясини бошқариш учун зарур бўлган профессионал билим, кўникма ва малакаларни тасдиқлайди;
- молия-иқтисодиёт соҳаси мутахассисликлари бўйича бакалавр дипломи билан бир хил даражада билим, кўникма ва малака беради;
- бизнесда мартабада ўсиш ва молия соҳасида халқаро эътирофга сазовор бўлишни истаганлар учун мўлжалланган.

Малакага эга бўлиш учун 6 та имтиҳон топшириш ва «Ахлоқ ва профессионал хулқ» курсидан ўтиш керак. Улар қуйидаги кўникмаларга эга эканлигини тасдиқлайди:

- режалаштиришда, қарорлар қабул қилишда, самарадорликни баҳолашда ва назоратни амалга оширишда бошқарув ҳисобини юритиш;
- МҲҲСни қўллаш, молиявий ҳисоботни тайёрлаш, таҳлил қилиш ва талқин қилиш;
- Ўзбекистон қонунчилиги ва аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудиторлик вазифаларини ҳал этиш;
- инвестициялаш, молиялаштириш ва дивидендларни тақсимлаш бўйича қарорлар ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистоннинг бизнес юритиш билан боғлиқ қонунчилигини қўллаш;
- Ўзбекистоннинг солиқ солиш тизими доирасидаги ишлар.



Малакани олиш учун тайёргарлик кўриш ва барча имтиҳонларни топшириш учун сизга 18 ой ва ундан кўпроқ вақт ва 24 млн. сўм керак бўлади. Сиз ўзингизга энг манфаатли инвестицияни киритасиз: улар сизнинг манфаатли ишга жойлашиш, мартабада ўсиш ва даромадингизни ошириш истиқболларингизни, шу жумладан чет элда ҳам яхшилайдди.

JESга қўшилиш ва ўрта бизнесда молияни бошқариш учун зарур бўлган билим ва амалий кўникмаларга эга бўлинг.

Касб маҳоратининг юқори даражасига қадам



CFP ва «Молия ва бизнесни бошқариш» дипломи – нафақат мустақил малака, балки ACFP ва ACCАнинг янада илғор малака даражаларига тайёргарлик босқичи ҳамдир:

- ACFP томонидан ишлаб чиқилган ACFP (Advanced Certified Finance Professional) илғор малакаси;
- қолган 4 та имтиҳон инглиз тилида ўтказиладиган ACCА тўлиқ малакаси.

Диплом номзодларни молиявий ҳисобот, бошқарув ҳисоби, аудит, молиявий менежмент, солиқлар ва ҳуқуқни чуқурроқ тушуниш ва таҳлил қилишга тайёрлайди. Бу эса – ACCА ва ACFP тўлиқ малакаларини олиш учун имтиҳонларни муваффақиятли топширишнинг зарурий шартидир.

Шу тариқа, JES нафақат бутун дунёда талаб қилинадиган билим ва кўникмаларни беради, балки молия ва бизнесни бошқариш соҳасидаги мураккаброқ воситаларни ўзлаштиришни осонлаштирган ҳолда, сизни профессионал ривожланишнинг кейинги босқичига равон ўтказди. Бу Диплом ва CFPни профессионал ўсишга интилаётган ҳар қандай молия соҳаси мутахассиси учун қимматли активга айлантиради.



Диплом ва CFP кимга ва нима учун керак



Ўзбекистонда ўрта ва йирик бизнес билан ишлайдиган молия мутахассисларига

Агар сиз ўрта ёки йирик корхоналарда ишлаётган бўлсангиз, Диплом ва CFP базавий кўникмалардан ташқари профессионал кўникмаларни аҳамиятли даражада кенгайтиришни таклиф этади. Сиз нафақат мавжуд билимларни мустаҳкамлайсиз ва тизимлаштирасиз, балки уларни сезиларли даражада чуқурлаштирасиз.

Яқин вақтда сунъий интеллектга асосланган ҳисоб ва солиқ тизимлари иқтисодий ва молиявий маълумотларга инсон иштирокисиз ишлов бериш имкониятига эга бўлади. Бозорда ўшбу технологияларни инсонга хос ноёб кўникмалар – профессионал мулоҳаза, ахлоқий ҳуқ ва шахслараро мулоқот билан тўлдиришга лаёқатли мутахассислар қолади.

Диплом ва CFP сизга бизнес молиясини бошқаришда сунъий интеллектни қўллаш шароитида меҳнат бозорида талабгир бўлиб қолиш, рақобатбардошлигингиз ва қадрингизни ошириш, профессионал ўсиш ва ривожланиш имкониятларини таъминлаш имконини беради.

Хорижда ишга жойлашишни ва мартабада ўсишни хоҳловчи молия мутахассисларига

«Молия ва бизнесни бошқариш» дипломи сизга нафақат профессионал билим ва кўникмаларга эга бўлиш, балки 176 мамлакатда мартабада ўсиш имконини беради.

Сиз қуйидагиларга эга бўласиз:

Глобал ҳаракатчанлик. Малака билан дунёнинг турли мамлакатларидаги юз минглаб иш берувчилар таниш, бу эса сизга халқаро меҳнат бозорига кенг йўл очади. Бу хорижда иш қидириш учун имкониятларни сезиларли даражада оширади.

Таниқлилиқ ва ишонч. Кўпгина мамлакатларда АССА дипломининг эътироф этилиши профессионаллик ва таълим сифатининг юқори даражасидан далолат беради, бу эса иш берувчилар ва мижозларнинг диплом эгасига бўлган ишончини ошириши мумкин. Бу хорижда ишга жойлашиш жараёнини ишончлироқ ва самаралироқ қилади.

Стандартлаштирилган билимлар. Диплом унинг эгаси молия ва бизнесни бошқариш соҳасидаги халқаро стандартларга мувофиқ келадиган билим ва кўникмаларга эга эканлигини тасдиқлайди.

Умуман олганда, АССА дипломи дунёнинг 176 мамлакатида эътироф этилиши диплом эгалари учун хорижда мартабада ўсиш ва ривожланиш учун кенг имкониятлар очади. Шу боис халқаро миқёсда фаолият юритмоқчи бўлган бухгалтерлар ва молия соҳаси мутахассислари учун ушбу малака энг жозибали имкониятлардан биридир.

Раҳбарлар ва бизнес мулкдорларига

АССАдан «Молия ва бизнесни бошқариш» дипломи раҳбарлар ва бизнес мулкдорларига қуйидаги имкониятларни беради:

- молиявий тамойиллар ва бошқарув воситаларини чуқурроқ ва кенгроқ тушуниш. Сиз янада асосланган молиявий қарорлар қабул қилиш, бюджетларни мақбуллаштириш, хатарларни бошқариш ва компаниянинг молиявий барқарорлигини ошириш имкониятига эга бўласиз;
- таҳлил қилиш ва режалаштириш кўникмаларини ривожлантириш, бу эса бизнесни ривожлантириш стратегияларини самаралироқ амалга оширишга ёрдам беради. Сиз бозор тенденциялари, рақобат муҳити ва мижозлар эҳтиёжларини яхшироқ тушунишингиз мумкин, бу эса рақобатга доир имтиёзларни кучайтиради ва фойдани оширади;
- хатарларни самаралироқ бошқариш ва компаниянинг молиявий барқарорлигини таъминлаш. Сиз молиявий хатарларни тўғри баҳолай оласиз, уларни камайтириш чораларини кўрасиз ва молиявий ресурсларни тўғри бошқара оласиз;
- инвесторлар, банклар, ҳамкорлар ва мижозларнинг сизга ва бизнесингизга бўлган ишончини ошириш. Бу инвестицияларни жалб қилиш, манфаатли битимлар тузиш ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Умуман олганда, «Молия ва бизнесни бошқариш» дипломи раҳбарлар ва бизнес мулкдорларига молияни муваффақиятли бошқариш ва компанияни ривожлантириш учун қимматли билим, кўникма ва воситаларни тақдим этади. Бу сизга асосланган стратегик қарорлар қабул қилиш, бизнес самарадорлигини ошириш ва белгиланган мақсадларга эришишга ёрдам беради.

Иқтисодиёт ва молия соҳаси мутахассисликлари талабаларига

CFP ва Диплом сизга академик таълимни тўлдирувчи бетакрор афзалликларни тақдим этади:

Амалий кўникмалар. Университетларда одатда назарий асосларга эътибор қаратилади, ACCA ва ACFP малакалари эса ушбу билимларни амалиётда қўллаш кўникмаларини шакллантиради.

Параллел таълим ва имтиҳонларни топшириш самарадорлиги

Кўпчилик талабалар университет ва ACCAни бирга қўшиб ўқиб бориш қийинлигидан хавотирда бўлади. Аслида, бу таълим самарадорлигини оширади! Ўхшаш фанларни турли нуқтаи назардан ўрганиш орқали талаба:

- материални яхшироқ тушунади;
- тайёргарлик учун вақтни тежайди;
- университетда имтиҳонларни муваффақиятлироқ топширасиз.



Ўзбекистондаги ноёблик ва нуфуз

- Ўзбекистонда 200 000 нафардан ортиқ бухгалтерлар бор
- Ўнлаб университетлар бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича мутахассисларни тайёрлайди
- Ҳар йили 4000 нафардан ортиқ бакалавр дипломига эга ёш мутахассислар бозорга кириб келади.

Бундай рақобат муҳитида ACCA ва ACFP малакалари муҳим афзалликка айланади. Уларни ўзлаштириб, сиз Ўзбекистон молия мутахассисларининг нуфузли гуруҳига қўшиласиз.

Халқаро эътироф. Университет дипломи асосан миллий даражада эътироф этилса, ACCA дипломи бутун дунёда эътироф этилади. Бу сизга халқаро миқёсда фаолият юритиш ва чет элда ишлаш имкониятларини очади.

ACCAга тўлиқ аъзолик сари қадам

Дипломни қўлга киритгач, сиз ACCA ва ACFPга тўлиқ аъзо бўлиш йўлининг 7/10 қисмини босиб ўтасиз. Молия соҳасида дунёдаги энг машҳур профессионал ташкилотга аъзо бўлиш учун фақат тўртта имтиҳон топширишингиз керак бўлади. Бу даромадингизни 50-100%га ошириши мумкин, аynиқса раҳбарлик лавозимларида.



Диплом ва CFP билан тасдиқланадиган билим ва кўникмалар



CFP ва Диплом 6 та фан бўйича профессионал даражада молия мутахассиси сифатида ишлаш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни тасдиқлайди:

Молиявий ҳисобот	Самарадорликни бошқариш
- Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари - Молиявий ҳисоботнинг норматив-ҳуқуқий базаси - Молиявий ҳисоботни таҳлил қилиш ва талқин қилиш - Консолидациялашган ҳисоботни тайёрлаш	- Харажатлар ҳисоби ва бошқарув ҳисоби усуллари - Бюджетлаштириш, инвестициялар, ресурсларни бошқариш - Меъёрий харажатлар ва оғишлар таҳлили - Бизнес самарадорлигини баҳолаш ва назорат қилиш
Молиявий менежмент	Аудит ва қўшимча хизматлар
- Ташкилот молияси - Айланма капитални бошқариш - Активлар ва капитал инвестицияларни баҳолаш - Солиқларни бошқариш - Молиявий хатарларни бошқариш - Капитални бошқариш	- Аудитнинг тартибга солувчи ва ахлоқий стандартлари - Ички аудит ва назорат - Аудит ўтказиш, хатарларни баҳолаш ва ҳисоботлар тайёрлаш - Аудит сифатини назорат қилиш ва натижаларни ахборотдан фойдаланувчиларга етказиш
Ҳуқуқ	Солиқлар ва солиқ солиш
- Ҳуқуқий тизимлар ва қонунчиликнинг энг муҳим элементлари - Компанияда бошқарув ва маъмуриятчилик - Компания капитали ва уни молиялаштириш - Бизнес юритиш билан боғлиқ корпоратив бошқарув ва ахлоқ масалалари	- Ўзбекистоннинг солиқ солиш тизими - Солиқларнинг компания молиявий кўрсаткичларига таъсири - Солиқ мажбуриятларини бошқариш - Компаниялар гуруҳи учун солиқларни режалаштириш

6 та имтиҳон ва битта модулда ушбу билим ва кўникмаларни тасдиқлаб, сиз қуйидаги лавозимларда ишлашингиз мумкин:



JES имтиҳонлари



«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» мутахассисликлари бўйича бакалавр Дипломини олиш учун ўқиётган бўлсангиз ёки CFS малакасига эга бўлсангиз, «Молия ва бизнесни бошқариш» дипломи ва CFPни олиш учун сиз 6 та имтиҳон топширишингиз ва профессионал ахлоқ модулидан ўтишингиз лозим. Имтиҳонлар номлари ва уларнинг мақсадлари жадвалда келтирилган:

FR Молиявий ҳисобот	PM Самарадорликни бошқариш
Имтиҳоннинг мақсади – билим ва кўникмаларни тасдиқлаш: – молиявий ҳисоб стандартларини қўллаш, ташкилотларнинг молиявий ва интеграциялашган ҳисоботларини тайёрлаш, шу жумладан мураккаб юридик тузилмалар; – фойдаланувчилар учун ҳисоботларни таҳлил қилиш ва талқин қилиш.	Имтиҳоннинг мақсади – режалаштириш, қарорлар қабул қилишда, бизнес самарадорлигини баҳолаш ва назоратни амалга ошириш учун бошқарув ҳисоби усулларини сифатли ва миқдорий ахборотга нисбатан қўллаш кўникмаларини тасдиқлаш.
FM Молиявий менежмент	AA Аудит ва қўшимча хизматлар
Имтиҳоннинг мақсади – инвестицияларни баҳолаш, бизнесни қайта ташкил этиш, солиқлар ва хатарларни бошқариш, қиймат яратиш мақсадида компания капиталини бошқаришда самарали молиявий қарорлар қабул қилиш бўйича билим ва кўникмаларни тасдиқлаш.	Имтиҳоннинг мақсади – аудиторлик вазифаларини ҳал этиш билан боғлиқ жараёнларни тушуниш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни тасдиқлаш ва ушбу билимларни касбий норматив-ҳуқуқий база контекстида қўллаш.
LW Ҳуқуқ (икки поғонали)	TX Солиқлар ва солиқ солиш (икки поғонали)
Имтиҳоннинг мақсади – номзодларда қуйидагиларни шакллантириш: – Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий муҳитини яхлит тушуниш; – бизнес юртишнинг корпоратив ва шартномавий шакллари бошқаришни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларни қўллашнинг амалий кўникмалари; – ташкилотга қандай ҳолларда қўшимча юридик маслаҳат зарурлигини тушуниш.	Имтиҳоннинг мақсади – талабгорлар томонидан қуйидагиларнинг тасдиқланиши: – Ўзбекистонда солиқ солиш ва солиқ маъмуриятчилигининг умумий қоидаларини тушуниш, солиқ менежменти; – жисмоний шахсларнинг даромадлари, қўшилган қиймат, жами даромадлар ва фойдага, шунингдек акциз тўланадиган товарлар ва хизматлар, мол-мулк, ер қаъридан фойдаланувчилар, ер ва сувга солиқ солиш, трансферт нархни белгилаш кўникмалари.

JES имтиҳонларига кириш шартлари



“Молия ва бизнесни бошқариш” дипломи ва CFP малакасини олиш учун имтиҳон топшириш ҳуқуқига эга бўлиш учун сиз:

- a) B.FR Молиявий ҳисоб ва ҳисобот, B.МА Бошқарув ҳисоби ва B.OO Ташкилот ва унинг фаолияти базавий имтиҳонларини топширишингиз ёки
- b) CFS малакасини олишингиз, ёки
- c) Университетда АССАда дастурлар аккредитациясига эга Бухгалтерия ҳисоби ёки Аудит мутахассисликлари бўйича камида 2 та курсни тамомлаган бўлиши, шунингдек
- d) www.accaglobal.com сайтида АССА талабаси сифатида ва www.acfp.uz сайтида «Аъзолик» бўлимида ACFP аъзолигига номзод сифатида рўйхатдан ўтиши керак.

АССА талабаси ACFP аъзолигига номзод

	АССАда – талаба	ACFPда – аъзоликка номзод
Кириш бадали	£45	0
Йиллик бадал – 1-йил	£0	2 БҲМ
Йиллик бадал - ҳар кейинги йилда	£140	2 БҲМ

Агар номзод ДипИФР дипломига эга бўлса, у FR Молиявий ҳисобот имтиҳонидан бепул озод қилинади.

Агар АССАда ҳисоб ёзуви мавжуд бўлмаса, номзод уни рўйхатдан ўтказиш дарчасига **RLP** промокодини киритиш орқали рўйхатдан ўтказиш бадалини тўламасдан яратиши мумкин.

АССАда рўйхатдан ўтган бўлса, ДипИФР-Рус сертификатини accadiploma@accaglobal.com почта манзилига юборган ҳолда «Молия ва бизнесни бошқариш» дипломига ўтиши мумкин. Хат мавзусида «Дипломга ўтиш» деб кўрсатинг, хат матнида рус тилидаги «Молия ва бизнесни бошқариш» дипломига ўтишни хоҳлашингизни ёзинг ва **EMD** махсус таклиф кодини кўрсатинг.

JES имтиҳонлари қандай ва қаерда ўтказилади



Барча JES имтиҳонлари имтиҳон марказларида компьютерда ўтказилади. Имтиҳон саволларининг икки туридан фойдаланилади:

- тест шаклидаги биргина саволлар ва/ёки битта вазиятга асосланган бир нечта саволлар. Сиз берилган вариантлардан битта/бир нечта жавобни танлашингиз ёки тушиб қолган жойни тўлдиришингиз керак бўлади. Жавоблар автоматик равишда текширилади;
- тушунтиришлар билан кенгайтирилган жавобларни талаб қиладиган вазиятга доир топшириқлар. Жавоблар эксперт - маркер томонидан баҳоланади.

Имтиҳон давомийлиги – 3 соат. LW ва TX дан ташқари барча имтиҳонлар «ёпиқ китоб» билан ўтказилади – ҳар қандай материаллардан фойдаланиш тақиқланади. LW ва TX имтиҳонларида сиз Ўзбекистон қонунчилигидан фойдаланиш имкониятига эга бўласиз.

Имтиҳон натижалари ҳақида имтиҳон ўтказилган кундан эътиборан 30 иш куни ичида www.accaglobal.com ва www.acfp.uz сайтларидаги шахсий кабинетингизда билиб оласиз.

Имтиҳонлар июнь ва декабрь ойларида ўтказилади. ACCA имтиҳонига у ўтказиладиган санадан 30-120 календарь кун олдин рўйхатдан ўтиш мумкин (стандарт рўйхатдан ўтиш). ACCA имтиҳонига стандарт рўйхатдан ўтказиш нархи - £ 150, ACFP имтиҳонига - 1,5 МҲЭKM.

Агар сиз ACFP имтиҳонига стандарт муддатларда рўйхатдан ўтишга улгурмаган бўлсангиз, буни имтиҳондан 7–14 календарь кун олдин амалга оширишингиз мумкин (кечроқ рўйхатдан ўтиш). Кечроқ рўйхатдан ўтиш нархи – 3,0 МҲЭKM.

Имтиҳонларнинг асосий хусусиятлари жадвалда келтирилган:

Номи	имтиҳоннинг тавсифи	Ўтиш/ энг юқори балл	Давомийлиги	Ким ўткази	Нархи
FR	30 та тест 2 баллдан + 2 та сценарий топшириғи 20 баллдан ёпиқ китоб билан	50%	3 соат	ACCA	£ 150

(давоми)

Номи	имтиҳон тавсифи	Ўтиш/ энг юқори балл	Давомийлиги	Ким ўтказди	Қиймат
PM	30 та тест 2 баллдан + 2 та сценарий топшириғи 20 баллдан ёпиқ китоб билан	50%	3 соат	ACCA	£ 150
FM	30 та тест 2 баллдан + 2 та сценарий топшириғи 20 баллдан ёпиқ китоб билан	50%	3 соат	ACCA	£ 150
AA	15 та тест 2 баллдан + 1 та сценарий 30 балл + 2 та сценарий 20 баллдан ёпиқ китоб билан	50%	3 соат	ACCA	£ 150
B.LW.	50 та тест 2 баллдан очиқ китоб билан	60%	2 соат	ACFP	1 МҲЭКМ/1,5 МҲЭКМ – кечроқ рўйхатдан ўтиш – стандарт рўйхатдан ўтиш
C.LW	25 та тест 2 баллдан + 20 та тест 1 баллдан + кенгайтирилган жавоблар билан 5 та вазиятга доир топшириқ 6 баллдан Очиқ китоб	60%	3 соат		1,5 МҲЭКМ/3 МҲЭКМ – стандарт/ кечроқ рўйхатдан ўтиш

(охири)

Номи	имтиҳон тавсифи	ўтиш/ юқори балл	энг Давомийлиги	Ким ўтказди	Нархи
В.ТХ	35 та тест 2 баллдан + 2 та сценарий 15 баллдан очиқ китоб билан	60%	3 соат	ACFP	1 МҲЭКМ/ 1,5 МҲЭКМ – стандарт/ кечроқ рўйхатдан ўтиш
С.ТХ	тест форматида 15 та савол 2 баллдан + 4 та сценарий 10 баллдан + 2 та сценарий 15 баллдан. Сценарийлар кенгайтирилган жавобларни талаб қилади. Очиқ китоб	60%	3 соат		1,5 МҲЭКМ / 3 МҲЭКМ – стандарт/ кечроқ рўйхатдан ўтиш

Имтиҳонларда махсус дастур ва ускуналардан фойдаланилади, улар:

- малака талабгорининг шахсини тасдиқлаш;
- тақиқланган материаллар, телефонлар, мини-камералар ва бошқа гаджетлардан фойдаланишни истисно қилиш;
- холис натижаларни кафолатлаш имконини беради.

Имтиҳон марказлари Тошкент шаҳри ва вилоятларда жойлашган.

6 та имтиҳонни муваффақиятли топширгандан ва ахлоқ модулидан ўтгандан сўнг, сиз «Молия ва бизнесни бошқариш» дипломи ва CFP малакасига эга бўласиз.



cfp

Certified
Finance
Professional

Имтиҳонларга қандай тайёрланиш керак

ACCA синов имтиҳонлари ҳавола бўйича:

<https://acca.learn360lms.com/login>

Тайёргарлик учун материаллар (дастур, имтиҳон олувчининг ҳисоботлари, мисоллар ва синов имтиҳонлари, мақолалар, глоссарийлар) қуйидаги ҳавола бўйича:

<https://www.accaglobal.com/cis/ru/student/exam-support-resources/adfbr-learning-resources.html>

ACFP синов имтиҳонлари ва тайёргарлик учун материаллар
<https://acfp.uz/uz/jes> ҳаволаси бўйича

Имтиҳонларга тайёргарликни танланг:

- ❖ молия.academy масофадан ўқитиш платформасида – ёзиб олинган видеоматризалар, ўқув қўлланмалари, мустақил тайёрланиш учун тестлар асосида мустақил равишда;
- ❖ ўқитувчилар/ўқув марказлари ёрдамида - қатнаб ёки масофадан туриб;
- ❖ ушбу шаклларни қўшиб бирга олиб бориш. Битта имтиҳонга тайёргарлик давомийлиги сизнинг бошланғич билимларингиз ва ўқишга сарфлаган вақтингизга боғлиқ бўлади. Масалан, агар сиз ўқишга ҳафтасига камида 10-12 соат вақт ажратсангиз, битта имтиҳонга тайёргарлик учун 2 ой ва ундан кўпроқ вақт сарфланади.

Имтиҳонлардан озод қилиш



Агар сизда қуйидагилар мавжуд бўлса, сизни имтиҳонларни топширишдан озод қилишлари ва уларни топширилган деб ҳисобга олишлари мумкин:

- DipIFR дипломи - FR Молиявий ҳисобот имтиҳонидан озод қилади;
- Бухгалтерия ҳисоби/аудит бўйича бакалавр/магистр дипломи – ACCA аккредитациялаган фанлар бўйича озод қилишни тақдим этади.



Академик жиҳатдан ҳалоллик



ACFP имтиҳонларига тайёрланиш ва топшириш вақтида сиздан академик жиҳатдан ҳалоллик ва фирибгарликка мурасасизликнинг энг юқори стандартларига риоя қилишингиз кутилади.

Имтиҳонларда академик жиҳатдан ҳалоллик, фирибгарликнинг олдини олиш ва аниқлаш қуйидагиларни таъминлаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга:

- талабгорларнинг билимлари, қобилияти ва кўникмаларини адолатли баҳолашни;
- иш берувчилар, мижозлар ва жамият томонидан ACFP малакаларига бўлган ишончни.

Фирибгарлик – талабгорга имтиҳон натижаларини баҳолашда адолатсиз устунлик берадиган инсофсизлик ёки рухсатсиз ёрдам беришнинг ҳар қандай шакли аниқланганда, айбдор шахс:

- агар фирибгарлик ҳолати биринчи марта аниқланган бўлса, имтиҳонлардан бир йил муддатга четлаштирилади;
- агар фирибгарлик ҳолати такроран аниқланган бўлса, ACFP малакасини олиш имкониятидан умрбод четлатилиб, батамом қора рўйхатга киритилади.

ACFP имтиҳонларида фирибгарликнинг олдини олиш сиёсати билан [бу ерда](#) батафсил танишишингиз мумкин.



CFP малака белгисидан фойдаланиш



Имзоингизда CFP базавий малака белгиси сизнинг профессионал даражангиз ва тажрибангизни кўрсатади. Бу иш берувчиларга ва ҳамкасбларга сиз қанчалик малакали ва қадрли мутахассис эканлигингиз ҳақида тушунча беради.

Сиз фақатгина диплом олгандан сўнг, резюмеда, ташриф қоғозиди, материалларда ва бошқаларда фахр билан ўз малакангизни кўрсатган ҳолда, CFP белгисидан фойдаланишингиз мумкин.

Эътибор беринг!

Сиз 6 та имтиҳонни топширмагунга ва ахлоқ модулидан ўтмагунга қадар имзода CFPнинг қисқартмасидан фойдаланишга ҳақли эмассиз. У зарур билим, қобилият ва кўникмаларни намоиш қилган ҳолда малака тўғрисида диплом олганлар учун имтиёз ҳисобланади.



Кейин нима бўлади

«Молия ва бизнесни бошқариш» дипломи ва CFP малакасини олгандан сўнг, сиз қуйидаги ҳуқуқларга эга бўласиз:

- АCFРда иштирок этиш даражасини «Аъзоликка номзод»дан «Аъзо»га ошириш;
- АCFР ёки АССА томонидан ўтказиладиган стратегик профессионал даражадаги имтиҳонларга кириш



